

Макроиктисодий кўрсаткичлар
(2018 йил январь-сентябрь)

	Млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	244 343,7	105,2
Истеъмол нархлари индекси (2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан, %)	x	108,1
Саноат маҳсулоти	151 203,4	110,8
Истеъмол товарлари	57 322,8	107,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари	59 327,1	101,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	71 068,1	130,9
Қурилиш ишлари	33 652,9	107,4
Юк айланмаси (млн. т/км)	52 505,3	105,6
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи/км)	101 442,6	103,3
Чакана савдо товар айланмаси	93 182,7	104,9
Хизматлар, жами	105 244,8	108,9
Ташқи савдо айланмаси, (млн. АҚШ. долл) ¹⁾	23 142,9	117,7
Экспорт	9 469,6	100,7
Импорт	13673,3	133,3
Сальдо (+,–)	-4 203,7	x


¹⁾ Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь–сентябрида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 244 343,7 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 5,2 % га ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилнинг январь–сентябридаги нархларга нисбатан 131,6 фоизни ташкил этди.

***ЯИМ** - иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий Ҳисоблар Тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.*

Январь-сентябрда ЯИМ нинг физик ҳажми ва дефлятори индекслари динамикаси қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да):



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 7 433 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 % га юқоридир.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ динамикаси

	<i>Минг.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, %</i>
2016 й. январь-сентябрь	4 514	105,0
2017 й. январь-сентябрь	5 460	103,2
2018 й. январь-сентябрь	7 433	103,5

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ ни ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

	<i>Млрд. сўм</i>		<i>Физик ҳажм индекси, % да</i>	<i>ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси, %</i>
	<i>Январь-сентябрь 2017 й.</i>	<i>Январь-сентябрь 2018 й.</i>		
ЯИМ - жами	176 463,5	244 343,7	105,2	5,2
<i>шу жумладан:</i>				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	153 235,3	210 905,0	105,3	4,6
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	27 978,0	36 838,9	101,3	0,2
саноат	40 806,4	63 994,3	106,3	1,4
қурилиш	11 214,3	15 041,8	107,4	0,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15 845,7	19 606,8	104,1	0,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	17 721,8	21 788,6	106,9	0,7
бошқа хизмат тармоқлари	39 669,1	53 634,6	106,4	1,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	23 228,2	33 438,7	104,5	0,6

Иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚК) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 86,3 % ини ташкил этди ва 5,3 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,6 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 13,7 % ни ташкил этди ва 4,5 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,6 ф.п.).


ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди (2,5 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-сентябрига нисбатан 6,0 % га ўсди. Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) 3,9 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 5,6 % га, ташиш ва сақлаш 3,9 % га, ахборот ва алоқа 17,0 % га ва бошқа хизматлар 6,4 % га ўсди.

Саноат тармоғининг қўшилган қийматида 6,3 % лик ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,4 ф.п. даражасида баҳоланди. Саноат тармоғидаги ижобий динамика тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қийматининг 28,5 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 2,4 % га ва бошқа саноат тармоқларининг 2,0 % га ўсиши ҳисобига таъминланди.

Январь-сентябрь ойларида саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

	<i>Млрд.сўм</i>		<i>Физик ҳажм индекси, % да</i>
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	
Саноат	40 806,4	63 994,3	106,3
<i>шу жумладан:</i>			
тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	7 291,2	15 862,9	128,5
ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати	29 830,6	43 415,4	102,4
саноатнинг бошқа тармоқлари	3 684,6	4 716,0	102,0

**Январь-сентябрь ойларида саноат тармоғининг
ялли қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)**




- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати
- Саноатнинг бошқа тармоқлари

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 7,4 % га ўсди. ЯИМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,5 ф.п. даражасида баҳоланди.

2018 йилнинг январь–сентябри яқунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 1,3 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,2 ф.п. ни ташкил этди.


2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси



Ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда ЯИМ тармоқлари бўйича таркибида саноатнинг улуши 26,6 % дан 30,3 % га ўсиши билан бир пайтда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 18,3 % дан 17,5 % га, қурилишнинг улуши 7,3 % дан 7,1% га камайди.

Хизматлар соҳасининг ЯИМ тармоқлари бўйича таркибидаги улуши 45,1 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 2,7 ф.п. га камайди.

Январь-сентябрь учун ЯИМ нинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан % ҳисобида)



Ялпи худудий маҳсулот (ЯХМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий худудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯХМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь–сентябрида **Қорақалпоғистон Республикаси** ЯХМ ҳажми жорий нархларда 8 193,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда 4,8 % га ўсди. ЯХМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 100,8 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 16,3 %), саноат – 103,5 % (33,2 %), қурилиш – 104,4 % (8,1 %), хизматлар соҳаси – 106,7 % (42,4 %) каби худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 4 425,1 минг сўмни ташкил этди ва 3,3 % га ўсди.

Андижон вилояти бўйича ЯХМ жорий нархларда 13 177,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 8,3 % га ўсди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,4 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 27,9 %), саноатда - 128,1 % (27,7 %), қурилишда – 105,8 % (6,4 %), хизматлар соҳасида – 104,1 % (38,0 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 4 347,6 минг сўмни ташкил этди ва 6,5 % га ўсди.

Бухоро вилоятида ЯХМ ҳажми 3,8 % га ўсди ва 10 440,0 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМ нинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 104,0 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 28,3 %), қурилишда – 103,9 % (11,4 %), хизматлар соҳасида – 105,8 % (40,0 %) ни ташкил этди. Шунингдек, 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 99,3 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 20,3 %). Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 2,3 % га ўсди ва 5 551,4 минг сўмни ташкил этди.

Жиззах вилоятида ЯХМ 4,1 % га ўсди ва 5 356,7 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,8 % (ЯХМ таркибидаги улуши - 37,0 %), қурилишда – 107,3 % (9,0 %), хизматлар соҳасида – 107,3 % (39,7 %) ни ташкил этди. Саноат тармоғида эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 97,6 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯХМ таркибидаги улуши – 14,3 %). Аҳоли жон бошига ЯХМ ҳажми 4 012,8 минг сўмни ташкил этди ва 2,1 фоизга ўсди.

Қашқадарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти 3,0 % га ўсди ва 15 341,4 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: саноатда – 104,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 35,9 %), қурилишда – 102,3 % (7,5 %), хизматлар соҳасида – 104,4 % ни (33,5 %) ташкил қилди. Шунингдек, 2017 йилнинг мос даври билан таққослаганда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 97,9 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 23,1 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 1,0 % га ўсди ва 4 836,8 минг сўмни ташкил этди.

Навоий вилоятида ЯҲМ ўсиши 4,0 % ни ташкил этди ва 13 270,8 млрд. сўмга етди. ЯҲМ тармоқ таркибида ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 13,4 %), саноатда – 101,2 % (62,4 %), қурилишда – 123,1 % (4,9 %), хизматлар соҳасида – 107,6 % ни (19,3 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2,4 % га ўсди ва 13 767,8 минг сўмни ташкил этди.

Наманган вилоятида ЯҲМ 8 759,5 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг мос даври маълумотларига нисбатан 5,0 % га кўпдир. ЯҲМ нинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 105,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 26,4 %), саноатда – 107,4 % (17,2 %), қурилишда – 103,6 % (7,0 %) ва хизматлар соҳасида – 103,9 % (49,4 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,1 % га ўсди ва 3 222,0 минг сўмни ташкил этди.

Самарқанд вилоятида ЯҲМ ҳажми 15 623,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2,9 % га ўсди. Ушбу ҳудудда саноат тармоғида – 105,3% (ЯҲМ таркибидаги улуши – 19,2 %), қурилишда – 109,6 % (6,3 %), хизматлар соҳасида – 104,9 % (42,3 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида эса, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши кузатилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 97,5 % ни ташкил этди (ушбу тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,2 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 0,9 % га ўсди ва 4 167,3 минг сўмни ташкил этди.

Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 4,2 % га ўсди ва 9 643,6 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 101,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 41,7 %), саноатда – 115,4 % (8,3 %), қурилишда – 105,8 % (8,5 %), хизматлар соҳасидаги – 103,9 % (41,5 %) ижобий ўсиш суръатлари хизмат қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3 805,2 минг сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг мос даври маълумотларига нисбатан 2,0 % га кўпдир.

Сирдарё вилоятида ЯҲМ 4,6 % га ўсди ва 4 349,9 млрд. сўмни ташкил этди. Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 103,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 35,4 %), саноатда 105,1 % (26,6 %), қурилишда 107,6 % (5,2 %), хизматлар соҳасида 104,9 % (32,8 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 5 298,9 минг сўмни ташкил этди ва 3,0 % га ўсди.

Тошкент вилоятида ЯҲМ 22 837,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 4,4 % га ўсди. ЯҲМ нинг ўсиши худуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 102,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 22,9 %), саноатда – 105,0 % (45,2 %), қурилишда – 120,6 % (3,5 %), хизматлар соҳасида – 103,4 % (28,4 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,2 % га ўсди ва 7 944,2 минг сўмни ташкил этди.

Фарғона вилоятида ЯҲМ 5,3 % га ўсди ва 14 345,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМ нинг ўсиши худуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 104,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 21,4 %), саноатда – 106,6 % (26,9 %), қурилишда – 108,3 % (6,7 %), хизматлар соҳасида – 104,4 % (45,0 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 3 937,9 минг сўмни ташкил этди ва 3,7 % га ўсди.

Хоразм вилоятида ЯҲМ 7 675,1 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,4 % га кўпдир. ЯҲМ нинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 100,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,8 %), саноат – 111,5 % (18,9 %), қурилиш – 105,8 % (8,0 %), хизматлар соҳасидаги – 103,9 % (41,3 %) ўсиш суръатлари билан боғлиқ. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2,7 % га ўсди ва 4 228,5 минг сўмни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида ЯҲМ 37 452,0 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 8,4 % га юқоридир. ЯҲМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб, саноат – 105,8 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 33,2 %), қурилиш – 111,0 % (8,7 %), хизматлар соҳасидаги – 109,2 % (58,1 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 6,6 % га ўсди ва 15 093,1 минг сўмни ташкил этди.

2018 йил январь-сентябрь учун ялпи ички (худудий) маҳсулот


	<i>ЯИМ (ЯҲМ)</i>		<i>Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>минг. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	244 343,7	105,2	7 433,4	103,5
Қорақалпоғистон Республикаси	8 193,9	104,8	4 425,1	103,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	13 177,9	108,3	4 347,6	106,5
Бухоро	10 440,0	103,8	5 551,4	102,3
Жиззах	5 356,7	104,1	4 012,8	102,1
Қашқадарё	15 341,4	103,0	4 836,8	101,0
Навоий	13 270,8	104,0	13 767,8	102,4
Наманган	8 759,5	105,0	3 222,0	103,1
Самарқанд	15 623,0	102,9	4 167,3	100,9
Сурхондарё	9 643,6	104,2	3 805,2	102,0
Сирдарё	4 349,9	104,6	5 298,9	103,0
Тошкент	22 837,1	104,4	7 944,2	103,2
Фарғона	14 345,2	105,3	3 937,9	103,7
Хоразм	7 675,1	104,4	4 228,5	102,7
Тошкент ш.	37 452,0	108,4	15 093,1	106,6

2018 йилнинг январь-сентябри якунлари бўйича Тошкент шаҳри (108,4 %), Андижон вилояти (108,3 %) ва Фарғона вилоятида (105,3 %) юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (105,2 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари Самарқанд (102,9 %), Қашқадарё (103,0 %) ва Бухоро (103,8 %) вилоятларида кузатилди.

Республика бўйича ЯИМ нинг шаклланишида Тошкент шаҳри 15,3 % улуш билан энг катта ҳисса кўшди. Тошкент вилояти 9,3 % ва Самарқанд вилояти 6,4 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМ ни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,8 %), Жиззах (2,2 %) ва Хоразм (3,1 %) вилоятларига тўғри келмоқда.

1) Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

**2018 йилнинг январь-сентябри учун ЯИМ ни
шакллантиришда хуудларнинг иштироки**
(ЯИМ га нисбатан % ҳисобида)



2018 йилнинг январь–сентябри яқунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯХМ таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхондарё вилоятида (41,7 %), саноатнинг энг юқори улуши Навобий вилоятида (62,4 %), қурилишнинг энг юқори улуши Бухоро вилоятида (11,4 %), хизматлар соҳасининг энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (58,1 %) кузатилди.

ЯХМ таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (13,4 %) ҳамда хизматлар соҳасининг (19,3 %) энг кам улуши Навобий вилоятида, саноатнинг энг кам улуши Сурхондарё вилоятида (8,3 %), қурилишнинг энг кам улуши Тошкент вилоятида (3,5 %) қайд этилди.

2018 йил январь-сентябрь учун
ЯҲМ нинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан % да)

